



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 1-aprel / № 11 (4670)

ЯНГИ ИЖОД УЙИДА НАВРЎ БАЙРАМИ



ҚОРАҚОШ БОЙЧЕЧАКЛАР ИШВАСИ

Хурматли Президентимизнинг адабиёт ва санъат соҳасига юксак эътибори ва ғамхўрлиги намунаси сифатида қисқа муддатда қад ростлаган Паркент ижод уйида бўлиб ўтган Наврўз тантаналари ўзгачалиги билан унутилмас таассурот қолдирди.

Паркент тоғлари "Сочи бўйига тенг қиз"ни пойига оқ поёндозлар тушаб кутиб олди. Фасллар келинчаги янги қурилган ижод қошонасидаги илк баҳор анжуманига ташриф буюрган меҳмонларни гўё муқаймоқ билан қаршилаётгандек. Қўламоийм қор остидан бир чимдим кўк майса узатди. Қорақош бойчечаклар ишва қилди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фиёс Бойтоев куйлади:

Ялпиздаги ислар билан,
Булбулдаги ҳислар билан,
Атлас кийган қизлар билан,
Наврўз келди, гўзал Наврўз.

Учинчи Ренессанс мактаб остонасидан, мана шундай ижод масканларидан бошланади. Бунёдкор халқимиз билан ҳамжиҳатликда Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи уйғониш даври пойдеворини яратиш, хотиржам ижод қилиш учун ҳам, аввало, тинчлик-осойишталик керак. Замондош устоз адибларимиз шогирдларимиз ҳам, Паркент ижод уйида яратилажак асарлари билан жонажон юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган келажак авлод ижодкорлари ҳам тинчлик-озодлиқнинг қандай улғу нэматлигини чуқур ҳис қиладилар. Бугунги Наврўзи-миз дунё давлатлари билан азалий дўст-биродарлигимиз, тенглигимиз, тинчлигимиз рамзи ҳамдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов, Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зойир Мирзаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Сайид, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Ҳожи-матов, таниқли ёзувчи-шоирлар, уюшма аъзолари, ҳамда ёш қаламкашлар иштирок этди. Дастурхонга сумалак, кўксомса, хольва сингари баҳорий таомлар тортилди. Фарида Афрўз, Қўчқор Норқобил, Мунаввара Усмонова, Фароғат Худойкулова сингари таниқли ижодкорларнинг Наврўз, баҳор ва ватан ҳақидаги гўзал шеърлари, Бахтиёр бахши Ортиқовнинг халқона термалари даврага кўтаринки руҳ бағишлади.

► 2

ДЎСТОНА ТАШРИФ



Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи раиси ўринбосари Алиакбар АБДУЛЛОЕВ билан 2019 йили "Сўнги япроқ" номли шеърый тўплами Ўзбекистонда нашр этилишидан олдин танишганман. Ўшанда у таржима ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимни сўраганди. Орадан

тўрт йил ўтиб, у кишини Тошкентда – Дўрмон ижод уйида учратиб қолдим. Маълум бўлишича, Ҳинди-стонда бўлиб ўтган халқаро илмий конференцияда қатнашиб, Ўзбекистон орқали Ватанига қайтаётган экан.

ТОШКЕНТ МЕНГА ЯШАШНИ ЎРГАТДИ

— Яқин қўшнинг худди жон-жигарингдек яхши, ёмон кунингда елкама-елка туриб, сен билан қувончу ғамингчи баб-баравар баҳам кўради, — деди Алиакбар Абдуллоев тасодифий учрашувдан хурсандлигини яширмай. — Бир гуруҳ ўзбекистон-

ликлар кун-кеча расмий ташриф билан Тожикистонда бўлиб, Наврўз тантаналарида иштирок этгани қардош халқлар ўртасидаги мустаҳкам қўшничилик, қўда-андачилик муносабатлари, адабий-маданий ҳамда иқтисодий алоқалар қай-

та тикланганидан, чегаралар очилганидан дарак берибгина қолмай, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийдек улғу мутафаккирларимиз томонидан боғланган абадий дўстлик ришталари тоабод узилмаслигини ҳам исботлади.

► 2

ОШИҚ УМРИ БОҚИЙДИР

Адабиёт дарғалари барча замонларда халқлар ўртасида дўстлик кўприкларини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Турк адабиёти тарихида "Ошиқлар шеърлати" йўналишига асос солган буюк шоир Юнус Эмро ҳам бутун дунёда юксак мақомга эришган мутафаккирлардан.

Яқинда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Юнус Эмро ижодий мероси ва ўзбек адабиёти" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжумани Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети ректори Шўхрат Сирожиiddинов бошқариб борди. Сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдухалимов, Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчисининг туризм ва маданият масалалари бўйича маслаҳатчиси Алпарслон Акинжи ҳамда ўзбек ва турк адабиётшунос олимлари Юнус Эмро ҳаёти ва ижодий фа-

олияти хусусида сўз юритиб, икки қардош халқ ўртасидаги кўпасрлик ўзаро дўстлик алоқалари тобора ривожланиб бораётганини таъкидлашди.

— Айниқса, 2020 йили Юнус Эмронинг "Ўлмас кўнгил" деб номланган сайланма шеърлари китобининг Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев сўзбошиси билан нашр этилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиiddин Сайид.

Анжуманда шоир ва мунаққид Мирзо Кенжабек Юнус Эмронинг "Ўлмас кўнгил" сайланма шеърлар тўплами ҳақида, профессор Адхамбек Алимбеков "Юнус Эмро ижоди — ўзбек шарқшунослари нигоҳида", филология фанлари докторлари Мақсуд Асадов, Нурбой Жабборов "Юнус Эмро ижодида комил инсон тимсоли", "Юнус Эмро ижодида Аҳмад Ясавий анъаналари", Туркиядаги Оксарой университети доценти Четин Йилдиз "Юнус Эмро ижодининг Туркияда ўрганилиши" мавзуларида маъруза қилишди.

► 3

ДИЛКЎПРИК

Дунёни рақамлар эмас, сўз бошқаради. Зеро, кўтлуг калом билан бошланган дўстлик, биродарлик умрбоқий бўлишига тарихда мисоллар кўп.

Арслан Байир. Бу ном ўзбек ижодкорларига бир қадар таниш. Зеро, икки халқ адабиётини бирлаштиришга, мавжуд ришталарни мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилаётган ёзувчи, таржимон, муҳаррир Арсланбай билан суҳбатимиз ҳам унинг ижодий фаолиятига бағишланди.

Адиб 1958 йили Туркиянинг гўзал гўшаси — Анталиянинг Алания шаҳри Байир масканида туғилган. Ҳикоя ва эртаклари, ўзига хос услубдаги шеърлари аллақачон ўз ўқувчиларини топишга улғурган турк адиби 27 та халқаро адабий мукофот билан тақдирланган. Асарлари ўзбек, қирғиз, қозоқ, уйғур, туркман, озарбайжон, араб, форс, тожик, украин, молдован, рус, немис, жами йигирмадан зиёд хорижий тилларда нашр этилган.

ШОИРЛАР ТИНЧЛИК ЭЛЧИЛАРИДИР

— Аввало, ижодий ишларингиз ҳамда муҳаррирлик фаолиятингиз биз учун қизиқ.

— Тўғри, адабиёт ҳамisha энг кучли восита саналган. Бу ришталар азал-азалдан сарҳад билмай кўнгилларни боғлаб келади.

Ўқувчилик пайтаримдан ёзишга қизиққанман. Деворий газеталар чикарганман. Лицейда ҳам шу ишларни давом эттирдим ва бу илк муҳаррирлик ишларим бўлиб қолди. Университетга киргач, газета ва журналларга мақолалар ёзишга киришдим.

► 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида юртимизда миллий ва диний қадриятларимизга бўлган эътибор ва эҳтиром янада ортиб бормоқда. Жонажон диёримизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, хонадонларимиздаги файз ва қут-баракани халқимиз, аввало, Яратганнинг чексиз марҳамати сифатида шукроналик ва миннатдорлик билан қабул қилмоқда.

Айниқса, аҳиллик, ўзаро бирдамлик ва маънавий поклик фазилатлари улуғланидиган кўтлуг Рамазон ойини эл-юртимиз доимо катта хурсандчилик ва кўтаринки кайфиятда кутиб олмақда. Ушбу муборак кунларда инсон қадрини улуғлашга, оила ҳамда маҳаллага меҳр ва эътиборда бўлиш, ижтимоий кўмакка муҳтож, эҳтиёжманд кишиларга ёрдам ва саховат кўрсатишга қаратилган савобли амаллар янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Халқимиз учун эзгулик ва мурувват, меҳр-оқибат рамзи ҳисобланган муборак Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, муқаддас ислом динининг инсонпарварлик таъомилларини ҳамда маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2022 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 2 апрель кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини миллий анъана ва қадриятларга мос ва муносиб тарзда ўтказишга доир чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда ушбу муборак ойнинг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, шукроналик, сабр-қаноат каби фазилатларни эъозлаш, мамлакатдаги тинч ва фаровон ҳаётни қадрлаш, оилалар ҳамда маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қиладиган маърифий тадбирлар ва тарғибот ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2022 йил 31 март

Ш.МИРЗИЁЕВ

ТААССУРОТ

МАЙСАДАЙ БИР ҚАРИЧ ЎСДИЛАР

Сир эмас, мустақиллик йилларида ўтган асрда чоп этилган аксарият адабиётлар мафқуравий жиҳатдан эскиргани ва алифбо ўзгариши муносабати билан чекка ҳудудлардаги кутубхоналарнинг захира фонди ҳам сифат, ҳам сон жиҳатдан анча ғариблашиб қолди. Катта, кичик авлод вақиллари иккала алифбони баравар ўқий олгани билан, иқтисодий ва бошқа омиллар сабаб юзага келган маънавий бўшлиқ оммавий китобхонлик даражасига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Аҳолининг китобхонлик маданиятини юксалтириш, адабиётга, илм-фанга қизиқишини кучайтириш эса та-

раққиёт нуқтаи назаридан долзарб масаллага айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу борадаги фармон, қарорларига мувофиқ, маънавий-маърифий соҳалар ривожига, қолаверса, барча вилоят, шаҳар ва туманлардаги мавжуд кутубхоналарнинг китоб фондиди керакли адабиётлар билан бойитиб, китоб ва китобхонлик маданияти ҳамда тарғиботини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, қишлоқ ёшлари, ўқувчилар, талабалар, ҳарбийлар, корхона ва ташкилотлар ходимларини китобхонликка кенг жалб қилиш мақсадида республика-

нинг барча ҳудудларида таниқли ёзувчи, шоирлар билан ижодий учрашувлар, мушоиралар ҳамда турли адабий тадбирлар ўтказиш, китоблар совға қилиш анъаналари айланди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиiddин Сайид башчилигида Сурхондарёга йўл олган навбатдаги маърифат қарвони уюшма томонидан олиб борилаётган қўламли тарғибот-ташвиқот ишларининг мантиқий давоми сифатида Узун тумани "Ахборот-кутубхона" маркази ҳамда туман ИИБ ходимларининг янги бадий асарларга бўлган қизиқишларини рағбатлантирди.

► 2

ЯНГИ САХНА АСАРИ



ҚАЛБ ВА РАҚС УЙҒУНЛИГИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида "Лазги — муҳаббат ва қалб рақси" балет-спектаклининг премьераси бўлиб ўтди. Мазкур ижодий лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси томонидан ташкил этилди (ғоя муаллифи — Саида Мирзиёева, лойиҳа раҳбари — Гаяне Умерова).

Маълумки, 2019 йил 12 декабрда Хоразм рақси — Лазги ЮНЕСКО томонидан Инсоният номоддий маданий мероси рўйхатига қиритилганди. ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле лазги рақси ҳақида балет сахналаштиришдек шарафли вазифани юртимиздаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасига ҳавола этди. "Лазги" балети халқаро лойиҳа

ҳисобланиб, Хоразм тарихи, маданияти, миллий ўзига хос турмуш тарзи бойликлари муҳассам этган ҳолда бу мезонларнинг барчасига жавоб беради.

Зеро, инсон ижодкорлигини ўзида мужассам этган бу рақс ҳаракат орқали атрофдаги табиат товушлари ва ҳодисаларини, севи ва бахт туйғуларини акс эттиради. Ушбу рақс халқнинг ўзини намоён қилишининг асосий шаклларида бири бўлиб, унинг ижроси янги-янги версиялар яратилиши орқали авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Ўзбекистон халқ артисти, тадқиқотчи, хореограф ва "Лазги" мактаби раҳбари Гавҳар Матёкубованинг сўзларига қараганда, рақс тарихи уч минг йилликларга бориб тақалади ва унинг тўққизта тури мавжуд.

► 2

МУНАВВАРА



НАВРЎЗ

Кел, бугун ганимлик тўнини ечгил,
Фурбату ҳасаддан юз бургин, кечгин,
Янги тонг нуридан кўзингни очгин,
Қўл берсанг, кезгуччи гулзоримиз бир!

Аслимиз бир тупроқ, осмонман дема,
Сен — ғариб, мен — кўрки замонман дема.
Мағлубсан, голиби давронман дема,
Сунгги йўл, маҳшар ул мозоримиз бир!

Дўст дедим, елкамни елкангга тираб,
Турибман қошингда ҳолингчи сўраб.
Ҳар инсон зотининг ҳолини кўриб,
Мағфират этгуччи гаффоримиз бир!

Кел, бугун аразу қасддан гапирма,
Суйла эзгуликдан, касдан гапирма.
Кувонгин, баланду пастдан гапирма,
Майсалар кўз очди, баҳоримиз бир!

ОЛОВРАНГ НИМЧАЛИ АЁЛ

Рўмолини учирма, шамол,
Қароғига инмасин ғубор.
Топган нони ҳалолдан ҳалол,
Оловранг нимчали аёлнинг.

Уйғонади офтобдан олдин,
Йўлларини ёритар ойдин.
Кафти қадоқ, юзлари сўлгин,
Оловранг нимчали аёлнинг.

Этагига ёпишма, хазон,
Қўй, ёнига бўйлама, армон.
Ифоринг-ла овутгин, райхон,
Оловранг нимчали аёлни.

Ўт пуркайди осмонда кўёш,
Гоҳро жони аёзга талаш.
Кўриб қолдим, кўзларида ёш
Оловранг нимчали аёлнинг.

Рухсорини куйдирма, офтоб,
Ер юзини чарву мохтоб.
Нигоҳи — бу оранда хитоб
Оловранг нимчали аёлнинг.

Супургисин синмасин банди,
Соб бўлмасин кўнгли пайванди.
Уйда кутиб турар дилбанди
Оловранг нимчали аёлнинг.

МАЙСАЛАР КЎЗ ОЧДИ

СЎЗ

Ҳаётга қайтарар бир сўз, эҳтимол,
Сўзининг қудратидан куч олар одам.
Сўз бир жоду эрур, сўз — соҳибжамол,
Шикаста дилга ҳам қўяди малҳам.

Гапга чечанлик ҳам асли бир неъмат,
Офатга айланар қилич бўлса тил.
Бир сўз абгор этар, бири бергай бахт,
Вайрондир бир сўздан яраланса дил.

Тил заҳрин тотганга бу ҳаёт ибрат,
Бир гап тоғ этади, бириси талқон.
Умр китобидан топдим бир ҳикмат,
Сўздан қилич эмас, ясагум қалқон.

Менинг қўлларим қадоқ,
Юрагимда ўсар тоғ,
Ҳали бола ёшимда
Кетмон чолганман.

Менинг билакларим доғ,
Куйган, гоҳ сачраган ёғ,
Уйнаб кулар чоғида
Нонлар ёлганман.

Синган тирноқларим ҳам,
Лардозларга вақтим кам,
Тирналиб, тортса ситам,
Йиғлаб улганман.

Шу элнинг боласиман,
Бир кўзи қорасиман,
Шу тупроққа бош уриб,
Тилло топганман...

САБР

Эскирди сабримнинг кўйлаги,
Ҳижроннинг ҳижоби кўз олар.
Мушкулнинг савдоси юришиб,
Тоқатнинг кўнглига қўл солар.

Бардошнинг рухсори сарғайди,
Дол бўлди алифдек қадди ҳам.
Нокаснинг косаси тўлмас деб,
Надомат тошини отди ғам.

Ёзмишдан беркиниб бўлмайди,
Кечмишнинг бор экан сўроғи.
Синдирди сабримнинг косасин,
Тетиб кетиб қисмат урғи.

Излапман туну кун тинмай,
Гоҳ ойдин, гоҳ тун урар.
Бораяпман, қай манзил, билмай,
Ҳатто зулмат ҳолимини сўрар.

Билмам, яна қайга йўл солдим,
Безовта дил, ҳориди юрак.
Эгам, сени англашдан олдин
Мен ўзимни топтоғим керак.

УМР

Шамол келиб рўмолимини учирди,
Довул уйим бузди, уни кечирдим.
Хаста бўлган чумолини уйғотиб,
Бошин силаб, кўз ёшимни ичирдим.

Боларининг қанотлари ҳўл бўлди,
Болалари кўзи йўлда толмасин.
Гулхайрининг эшигида қўл бўлдим,
Кафтимдаги гулкосаси синмасин.

Хонқизини тутиб олди капалак,
Гарчи ҳаёт этагини сийлайди.
Халқумидан кетмай ўлжаси нари,
Ажал бонгин уришини билсайди.

Кулча бўлиб ётиб олди кўр илон,
Тебратса ҳам кўнмай бола йиғлайди.
Кузин юмиб алла айтади нолон,
Она шўрлик кўр илонни кўрмайди.

Бу битмишлар асли ҳаёт ҳикмати,
Бири олов, бири куйган кулчадир.
Ҳар не бўлса, бу Эгамнинг неъматини,
Бири сайёд, бири эса ўлжадир...

ЙЎҚЛАБ ТУР, БАҲОР

Отам қабрин кучоқлаб ётган,
Бир янтоққа айлангир мени.
Умри, куни бир сиқим моҳрўй,
Қизғалдоққа айлангир мени.

Бир муруват айла тош бўлиб,
Ҳикмат айтиб турай бошида.
Қолсам эди битта қўш бўлиб,
Гиёҳ унган кўзин ёшига.

Билгум, майса ё тош бўлолмам
Ва на ортга қайтмоққа йўл бор.
Мен бир ҳовуч тупроқдан олдим...
Сен отамни йўқлаб тур, баҳор!

ТАБИАТ

Шамол илиб кетди дарахт новдасин,
Сўнг булут тебраниб ёмғир элади.
Мушфиқ шабодалар силаб ярасин,
Мунғайган дарахтнинг ҳолин сўради.

Бири нодону кас, бирида тоқат,
Бири ҳаёт берар, бири ўяди.
Ёмонин яшириб она табиат,
Озор топангига малҳам қўяди.

шонасига суртади. Айтишларича, Қосим ёқиб юборган мингта шеърни осмондаги фаришталар, денгизга ташлаган мингта шеърни балиқлар куйлар эмиш, қолган мингтасини одамлар ўқиб ҳайратланаркан. Балки Эмродан кўлаб шеърлар қолгандир. 1986 йил профессор Ф. Темуртош томонидан Анкарада нашр этилган девонда 325 дан зиёд шеър жамланган.

Шунингдек, Юнус Эмро "Рисолат ун-нусхия", ("Насихатга доир рисола") асари билан умумтуркий адабиёт ривожига катта ҳисса қўшган. Шоир ижодида қомил инсон, ишқ ва ирфон, маърифат ва ҳақиқат сингари мавзулар етакчилик қилади.

Юнус Эмро ҳақидаги афсоналардан яна бирини мунаққид Исмоил Йўлдош "Она сути каби азиз ва лазиз" номли мақоласида келтирган. Ривоятга кўра, Туркиянинг ўндан ортқ манзилларида Юнус Эмронинг қабрлари бор экан. Бу ҳолни атоқли озарбайжон шоири Бахтиёр Ваҳобзода ўзига хос назокат билан изоҳлайди:

**Ҳар кун қазилур, чунки кўнгилларда мазори,
Ўтларда, чечакларда ва гулларда мазори...**
Ҳақиқатан, Юнус Эмро шеърларидан нафақат инсон қалби, балки самолар, дарёлар, бутун олам баҳраманд бўлади.

Ўз даврининг етук мутасаввуф олими даражасига етишган Юнус Эмронинг Ҳақ ва илм излаб манзиллардан манзилларга "ишқ сафари"дек ўтган беором ҳаёт йўли ҳам, адабий меросининг тасаввуф адабиётида тутган ўрни, туркий ёзма адабиётнинг шаклланиши ва турк маданияти ривожига, айниқса, она тили ва мусиқа соҳасидаги аҳамияти ҳам ҳали кўлаб тадқиқотларга манба бўлади. Умуман, Юнус Эмронинг жаҳон адабиётида тутган ўрни ҳам-иша олимларни ўзига жалб қилаверади.

ХУМОН АҚБАРОВ

Тур тоғида бир тажаллий
Бок, Мусони нелар қилди!
Юнус айтар: Ҳақ наздида
Сўзим ерда қолмас менинг!..

ҚОЛГАНЛАРГА САЛОМ ЎЛСИН

Биз дунёдан кетар бўлдик,
Қолганларга салом ўлсин.
Бизнинг учун згзу дуо
Қилганларга салом ўлсин.

Ажал букар белимизни,
Сўйлатмайин тилимизни,

Бемор эдик, ҳолимизни
Сўрганларга салом ўлсин.

Таним ошкор очилгайдир,
Ёқасиз тўн бичилгайдир,
Бизни ўлгай бир ваҳж ила
Ювганларга салом ўлсин.

Азроил олгай жонимиз,
Қурир томирда қонимиз,
Ёйиб, танга кафанимиз
Урганларга салом ўлсин.

Кетар бўлдик Дўстимизга,
Етолмадик қасдимизга,

МЕҲР ҚАЛБДА ЯШИРИН

Холмўмин ЁДГОРОВ

ЁШ УЛҒАЙГАН САРИ

Юракда армон улғаяр ёшинг улғайган сари,
Улғурмаган амалларинг буй чўзар куйган сари.
Ич-ичингдан келар соғинч, ўртаб исмсиз туйғу,
Ота-онанг хотиридан қарзингни туйган сари.

Онамга талпинаман чорасиз қолган чоғим,
Қўмсайман юпатгучи меҳр тўла кучоғин.
Ҳар иш бошлаган оним, бўларди суянч тоғим —
Отамга талпинаман, отам — пушти паноҳим.

ОНАЖОН, СОҒИНДИМ

Онажон, келгандим ошиқиб, учиб,
Ҳайҳотдек ҳовлидан изинг топмадим.
Ниҳоят, турибман қабрингни кучиб,
Тупроқдан на тафтинг, исинг топмадим.

Рухингга толиниб келдим, онажон,
Қайтурман Қайюмга қайта сиғиниб.
Ҳаёт бу, тақдир бу, билдим, онажон,
Бир умр ўтгумдир сени соғиниб...

ШОИР ХОТИРАСИГА

Эй дўст, умрнинг сўнги шу кез бўлдим,
Видолашув они шунча тез келдимиз?

Тоғу тошлар, сор бургутлар сўрар бугун,
Қани дея, бизни суйган Азим Суюн?

Зилол чашма қошида тек қотди кийик,
Дўстлар бари боши эгик, дили куйик.

Тақдир қилмас ҳеч кимсага фитна ўйин,
Банда борки, қисматиға эгар бўйин.

Келмоқнинг бир кетмоғи бор — дунё куюн,
Шеърларида яшар энди Азим Суюн.

САЪДУЛЛА ҲАКИМ ЁДИ

Сиз суйган сўқмоқдан маънос ва ғамгин,
Одимлаб бораяпман пиёда, аста.
Кузатар ўт-ўлан бош эгиб сўлгин,
Таралар бир оҳанг, дилхун, шикаста.

Сўқмоқнинг четига чиққанча бир зум
Ўйга толиб, куйга соламан кулоқ.
"Бола ботир" санаб мисоли ўзин
Сехрли шивирлай бошлайди шувоқ.

Ҳов, анов отличкинг кўнглига, албат,
"Юрт ўғлони" солган чиқар чўнг сурур.
Бахтиёр ҳофизлар созиға жўр байт,
Эл-улус тилида янграгай мағрур.

ТЎРТЛИКЛАР

Ўтаётган ҳар кунимга йиғлайман,
Гоҳи чиқмас бир унимга йиғлайман.
Бу дунёнинг ёлгонлигин билдим,
Гоҳи ёлгон, гоҳ чинимга йиғлайман.

Умр қисқа, ҳар лаҳзанинг қадри бор,
Омонат дунёда одам бир меҳмон.
Меҳмон бир жойда кўп қолмоғи душвор,
Амалинг уйлаб кўр, борида имкон.

Мансур ЖУМАЕВ

ЖИЛФАЛАР РАҚСИ



Чучмомага чанг солган изғирин хатар битди,
Табиат гул баргига рангбаранг хатлар битди,
Майсалар саф-саф бўлиб чиқди қирга, довонга,
Хуш келибсан, Наврўзим, дилбар Ўзбекистонга!

Гулга ўранди боғлар — тоғларнинг қокиллари,
Эпкиндан ўлиш қўтган юрагим соҳиллари!
Томирим сувга етди, бошим етди осмонга,
Хуш келибсан, Наврўзим, уйғоқ Ўзбекистонга!

Рухим улғайди, жисмим гўдакдай атак-чечак
Пилдираб, адирларга излаб кетди бойчечак,
Ипакдай нур ёғилди эски кўнгли томонга,
Хуш келибсан, Наврўзим, янги Ўзбекистонга!

Азизим, меҳримиз сўнмаса бўлди,
Пушаймон донаси унмаса бўлди.
Қировлар майсага кўнса кўнсини,
Сенинг сочларингга кўнмаса бўлди.

Азизим, кузак ҳам келгай бир сулув,
Бир ёғи ёнудир, бир ёғи сўнув,
Бешиқлар, сумаклар йўнса йўнсин-у,
Сен учун ҳассалар йўнмаса бўлди.

Азизим, умримиз қорға ўхшайди,
Эрмай турганда борга ўхшайди,
Юрак урмасликка кўнса ҳам майли,
Юрак севмасликка кўнмаса бўлди.

Юрак севмасликка кўнмаса бўлди!

Икки дунё ҳар бошда пойдор,
ҳар жуссада топан ифода:
ҳар кўнгилда битта Худо бор,
ҳар қадамда битта ибодат.

Ҳар куртакда битта сано бор,
ҳар япроқда битта китобат;
ҳар ғиёҳда битта дуо бор,
ҳар ёмғирда битта ижобат.

Ҳар киприкда битта имо бор,
ҳар абруда битта ишорат;
ҳар манғайда битта ҳумо бор,
ҳар юмруқда битта иморат.

Ҳар ёноқда битта ибодат,
ҳар дудоқда битта муҳаббат;
ҳар курсоқда битта Исо бор,
ҳар бешиқда битта Муҳаммад.

Икки дунё ҳар бошда пойдор,
ҳар заррада улвий иродат;
ҳар кўнгилда битта Худо бор,
ҳар қадамда битта ибодат.

ОШИҚ УМРИ БОҚИЙДИР

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ўзбек китобхони Юнус Эмро шеърларини Жамол Камол, Азим Суюн, Хуршид Даврон, Саъдулла Ҳаким, Мирзо Кенжабек, Тоҳир Қаҳҳор, Насриддин Муҳаммад, Нафиса Султоқулова, Давронбек Тожиалиев, Файзи Шохисмоил сингари таниқли шоир ва таржимонлар меҳнати боис яхши билди. Мутафаккир шоир шеърлари муқаддам Жамол Камол таржимасида "Нечун йиғларсан, эй булбул" (2018) номда китоб ҳолида нашр этилган, шунингдек, шоир ижоди ҳақида профессор Адхамбек Алимбековнинг "Ишқ асири бўлган жон" (1996) рисо-ласи ўқувчилар эътиборига тақдим этилган. Қолаверса, филология фанлари докторлари Бобохон Шарифов, Ҳамидулло Болтабоев сингари адабиётшунослар нафақат юртимизда, балки Туркияда, Озарбайжонда ўтказилган илмий-амалий анжуманларда Юнус Эмро ҳаёти ва ижо-дига бағишланган тадқиқотлари билан иштирок этганлар.

Юнус Эмро ҳаётига бағишланган "Ишқ сафари" номли кўп серияли фильм ўзбек тилига дублаж қилинган ва юртдошларимизнинг севимли кинокартина-сига айланган.

Юртимизда Юнус Эмро ижодига катта эътибор қаратилишининг боиси, албатта, улуғ шоир шеърларининг халқимиз қалбидан чуқур жой олганидандир. Бир жиҳат-дан қараганда, ўзидан икки аср аввал яшаган Аҳмад Яссавий ҳикматларига, яна бир қараганда, ўзидан икки юз йил кейин яшаган Бобораҳим Машраб ғазалларига ҳамоҳанг ва мазмунан яқин Юнус Эмро шеърларининг самимиийлиги, дилга яқинлиги, ўзига хос жилоланиши барчани ҳайратда қолдиради.

Аҳмад Яссавийнинг:

**Ишқ дардини талаб қилдим, дармони йўқ,
Ишқ йўлида жон берганим армони йўқ,
Бу йўлларда жон бермасанг имкони йўқ,
Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил парвардигор —**
каби ҳикматлари маъно-мазмунни жиҳатидан Юнус Эмронинг

**Қўй ўлим андишасин,
Ошиқ умри боқийдир,
Ўлим ошиққа нима,
Ул нури илохийдир —**
сатрларига ҳамоҳанг.

Туркий олам адабиёти мутафаккирлари асарла-рининг ҳикматга бойлиги ва халқоналиги боис улар ҳақида турли афсона ва ривоятлар кенг тарқалган. Профессор Адхамбек Алимбеков маърузасида мана шундай ривоятлардан бирини келтириб ўтди.

— Ривоятларга кўра, — дейди А. Алимбеков. — Юнус Эмродан уч мингдан ортқ шеър мерос қол-ган. Шоир вафотидан сўнг унинг девони Мулла Қо-сим исмли кишининг қўлига тушади. Қосим денгиз соҳилига бориб, Эмро асарларини мутолаа қилишга киришади. Мулла Қосим аввалига мингта шеърини "шариатга қарши руҳда" дея ёқиб юборади, иккинчи мингтасини сувга оқизади. Учинчи минг шеърлар-ни ўқийтганда мулла Қосим ўзига аталган шундай мисраларга кўзи тушади:

**Дарвеш Юнус сўзларини ёлгон дема,
Сени синамоққа мулла Қосим келади...**

Башорат қилинган сатрларни ўқиган Мулла Қосим Юнус Эмрони валий билиб, унинг девонини ўпиб пе-

ЮНУС ЭМРО

Ул Дўст менга келсин демиш,
Сундим қадах, олсин демиш,
Олдим қадах, ичдим шароб,
Энди кўнглим ўлмас менинг.

МЕН БИР АЖИБ ХОЛДА КЕЛДИМ

Мен бир ажиб ҳолда келдим,
Кимса ҳолим билмас менинг.
Мен суйлайман, мен тинглайман,
Кимса тилим билмас менинг.

Менинг тилим куш тилидур,
Менинг кўлим Дўст қўлидур,
Мен булбулман, Дўст гулимдур,
Билинг, гулим сўлмас менинг.

Не Турим бор, не турорим,
Ҳеч ерда йўқдир қарорим,
Ҳаққа муножот қилмоққа
Тайин ерим бўлмас менинг.

Сўр, турганим ерни мендан,
Курсатурман, келсанг, сенга.
Бир заррача ҳақдан айру
Кўзим ҳеч не кўрмас менинг.

АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК



кўплаб намуна-

Бугунги “интернет асри”да деярли барча жабҳаларда хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиш, дўстлар орттириш, турли йўналишдаги халқроқ лойиҳалар устида ишлаш имкониятлари пайдо бўлмоқда. Бу борада ёзувчи, шоир, таржимонлар ҳам четда қолмаётгани қувонарли ҳол. Айниқса, хорижий давлатларнинг кўзга кўринган нашрлари билан адабий дўстлик алоқалари ўрнатилиб, мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётининг налари уларга ўз она тилида етказилаётгани сўнгги йилларда эришилган катта ютуқларимиздан. Шу муносабат билан ўзбек адаблари ижодидан хабардор чет эллик ноширлар – Мисрдаги “Ипак йўли” адабий туркумининг бош муҳаррири, Осиё журналистлари ассоциацияси президенти Ашраф Абул-Язид (Ашраф Дали), Россиянинг “Камертон” адабий-тарихий веб-журнали бош муҳаррири, ёзувчи ва журналист Светлана Замлелова, Украинанинг Донецк шаҳрида чоп этиладиган “Автограф” адабий журнали таъсисчиси ва бош муҳаррири Лариса Деминская, Лондонда бенгал ҳамда инглиз тилларида чиқадиган “Dashwebmag” журнали бош муҳаррири Акм Абдуллоҳни ва ёзувчи, “Дониш чироғи” нашриёти бош муҳаррири Муҳаббат Йўлдошевани суҳбатга қорлаб, замонавий ўзбек адабиёти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишни сўрадик.

Савол: — Бугунги кунда ўзбек адаблари асарларини мамлакатингизда чоп этишда ҳисса қўшаётган ижодкор сифатида замонавий ўзбек адабиёти ҳақида қандай фикрда-сиз?

Ашраф АБУЛ-ЯЗИД: — Мен ўн йил муқаддам Ўзбекистонга бориш бахтига муяссар бўлганман. Икки ҳафта давомида Ўзбекистонда яшаб, тарихий шаҳарларни зиёрат қилдим, уларнинг замонавий қиёфасини кузатдим, санъаткорлар ва ижодкорлар билан мулоқотда бўлдим. 2016 йилдан бошлаб “Ипак йўли” адабий туркумиде китоблар нашр эта бошлаганимда, ушбу лойиҳамда иштирок этган ўзбек адабларининг ҳикоялари ва шеърлари билан танишиб, замонавий ўзбек адабиёти ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилдим.

Лариса ДЕМИНСКАЯ: — Бугунги кунда бизнинг журналимизда Ўзбекистонда яшаб ижод қилаётган кўплаб ёш ижодкорлар билан бирга забардаст адабларнинг ҳам асарлари эълон қилинмоқда. Бу асарларда ўзбеккона анъана ва қадриятлар акс этган, улар ўқувчиларни ўзбек халқининг тарихи ва кундалик ҳаёти билан таништиради. Бу эса, ўзбек ижодкорлари асарларининг аҳамиятини оширади. Таъкидлаш жоизки, “Автограф” журнали ўзбек ижодкорларининг наср ва назмдаги асарларини чоп этиб, замонавий ўзбек адабиётини дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги китобхонларга таништиришга муваффақ бўлмоқда.

2019 йилдан 2022 йилгача “Автограф” адабий журналада Хуршид Дустмуҳаммад, Абдусайд Кўчимов, Шойим Бўтаев, Қўнқор Норқобил, Зулфия Мўминова, Муҳаббат Йўлдошева, Луқмон Бўрихон, Муҳиддин Абдусамид сингари кўплаб ижодкорларнинг асарлари чоп этилди.

Светлана ЗАМЛЕЛОВА: — Сўнгги йилларда замонавий ўзбек адабиёти билан яқиндан танишдим. “Камертон” адабий журналимиз ўзбекистонлик ижодкорлар билан доимий адабий алоқаларни йўлга қўйган. Бизга бадиий савияси турлича бўлган ижод намуналари келади. Гарчи номма-ном санаб ўтишни имкони бўлмаса-да, биз билан ҳамкорлик қилаётган барча адабларга, шоир, ёзувчи ва таржимонларга миннатдорлик билдираман. Афсуски, бизга келаётган ижод намуналари кўплиги сабабли уларни эълон қилиш бир оз чўзилади.

Акм АБДУЛЛОҲ: — Ҳар бир мамлакатнинг ўз адабиёти, маданияти бор. Замонавий ўзбек адабиётига бой ўзбек эртаклари пойдевор бўлган. Қадим замонлардан бери ўзбек халқи

достонларида қаҳрамонлик қўйлаб келинган. “Алпомиш” достонида ўзбек баҳодирларининг мардлиги акс этади. Бу асар ўтган асрлар адабиётига қўйилган ҳайкалди. Алишер Навоийнинг кўйлаб тилларга таржима қилинган “Хамса”си ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Шоирларнинг асарлари кўпроқ севги-муҳаббатга бағишлангани ва ҳиссиётга бойлиги билан ажралиб туради. Бу борада Увайсий, Нодирабегим, Машраб асарларини эслаш ўринли.

Бироқ давр тил, тамаддун ва адабиётга ўз таъсирини ўтказди. Шу боис замонавий

ўзбек адабиётида ҳам янгича ўзгаришлар содир бўлгани ва бўлаётгани табиий ҳол, албатта. Бизнинг журналимизга келаётган ўзбек адабларининг асарларини ўқиб, улар ҳозирги жаҳон адабиётида ўзига яраша ўринга эга, деб ҳулоса чиқариш мумкин.

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА: — Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётига кўплаб ёш ижодкорлар кириб келди. Гарчи уларнинг айримлари ўз услубига эғалиги туфайли тез орада эътирофларга эришаётган, бошқалари эса бироз мураккаброқ туоладиган услублар ишлаётган бўлса-да, барибир бу ёшлар замонавий ўзбек адабиётининг эртасидир, адабиётимизнинг эртанги кунини айнан улар яратади. Бугунги кунда ёш ижодкорларга берадиган эътибор ва кўмак истиқболда адабиётимизнинг булулларга буй чўзган тоғларини яратishi мумкин. Шу боис мен ношир сифатида ёш ижодкорларга кўпроқ вақт ажратишга ҳаракат қиламан.

Савол: — “Тил билган одам таржимон бўлиб қолмайди” деганларидек, тан олиб айтиш лозимки, бугунги кунда асарларни хориж тилларига маромига етказиб таржима қила оладиган маҳоратли таржимонларимиз жуда кам. Демак, сизларнинг тахририятларга келиб тушган асарлар ҳаммаси ҳам нашрга тавсия этилавермайди ва аксарият ҳолларда тахрир қилишга қўшимча куч ҳамда вақт сарфлашингизга тўғри келади, тўғрими?

Светлана ЗАМЛЕЛОВА: — Ҳа, тўғри айтдингиз. Албатта, яхши асар ижодкорнинг ярим ютуғи бўлса, маҳоратли таржимон меҳнати унинг қолган ярмини ташкил этиб, асар бир

бутунга айланади. Шу ўринда ўзбекистонлик ёзувчи Муҳаббат Йўлдошеванинг рус тилига қилаётган бадиий таржималарини алоҳида эътироф этиб ўтишни истардим. Бадиий таржима билан шуғулланувчи таржимоннинг шунчаки тилни билиши кифоя эмас, у том маънода ижодкор бўлиши ҳам керак. Яъни шунчаки сўзларни билиш эмас, балки улардан чиройли матнлар туза билиш зарур. Зеро, таржимон ўзи ёзмайди, балки бошқа бир асарни қайта яратади.

Баъзан тахририятимизга таржимаси хом-хатала ҳикоялар, шеърлар ҳам келади. айрим муаллифлар интернет таржимон дастурларида ўғирилган матнларни юборишади. Табиийки, биз бундай таржима асарларни қабул қилмаймиз.

Илгари чет тиллари институтларида бадиий адабиётни фақат инглиз ёки француз тилидан эмас, балки бошқа хорижий тиллардан ҳам ўғирадиган таржимонларни махсус тайёрлашарди. Ҳозир бу борадаги ишлар қай аҳволдалигини айтиш ҳам қийин. Бундан ташқари, одатда ўз асарини ўзга тилларга таржима қилдириш учун муаллифнинг ўзи ҳаракат қилишига тўғри келади. Бу эса ижоддан жуда узоқ машғулоти бўлиб, вақтни ва кучни олади, асосий ишдан чалғитади.

Лариса ДЕМИНСКАЯ: — Таржимон бадиий таржимага қўл ураркан, жуда мураккаб вазифани — ўз тилидаги асарни ўзга тилларга аниқ ва чиройли қилиб етказиб бериш масъулиятини зиммасига олади. Шу билан бирга, муаллифнинг ёзиш услубини ва асарга сингдирилган кайфиятни сақлаган ҳолда, унинг асл

мазмунини очиб бериш тақозо этилади. Бунинг учун, албатта, биринчи навбатда тилни яхши билиш лозим. Бу борада кўплаб ўзбек адабларининг асарларини рус тилига бадиий таржима қилаётган ўзбекистонлик адаба ва таржимон Муҳаббат Йўлдошеванинг тил билиш салоҳияти мақтовга арзигулиқдир. Шунингдек, таржимон Лира Пиржанованинг таржималарини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Мана шу иқтидорли таржимонларнинг меҳнати туфайли биз замонавий ўзбек адабиёти намуналари билан танишишга муваффақ бўлдик.

Ашраф АБУЛ-ЯЗИД: — Мен шоирлар, ёзувчилар ёки олимларнинг китобларини инглиз тилидан араб тилига ўғириш асносида шунга ишонч ҳосил қилдимки, таржимон қандай асарни таржима қилмасин, асар муаллифига руҳан яқин бўлиши керак. Шеърларни бадиий таржима қилиш билан фақат шоирлар шуғулланиши лозим, шундагина бу иш муваффақиятли чиқади. Бундан ташқари, таржима сифатли чиқиши учун таржимон матнларнинг тарихий ва ижтимоий илдузларини чуқур билиши лозим.

Бизнинг “Next” янгиликлар тармоғимиз араб, корейс ва инглиз тилларида чиқади. Мен Осиё ва бутун дунёдаги маданий воқеаларга кенг ўрин берувчи арабча талқиннинг муҳарририман. Бу соҳани кенгроқ қамраб олиш учун ҳар куни шеърлар, ҳикоялар ва эсселар берамиз. Яна бир нашримиз — “Ипак йўли адабиёти” антологиясидир. 2021 йилда “Осиё қуйлайди” номли биринчи тўпلامда дунё шоирлари ижод намуналари жамланди,

“Ўртаер денгизи тўлқинлари” номли иккинчи тўплам, “Қадимги мисрликлар” номли учинчи тўплам ва нихоят “Араб тунлари” номли тўртинчи тўпламда дунёнинг қирқдан зиёд мамлакатда ижод қилувчи 150 нафарга яқин шоирларнинг шеърлари жамланди. Табиийки, ушбу тўпламларга ўзбек адабларининг ҳам асарлари киритилган.

Акм АБДУЛЛОҲ: — Ҳа, хорижий тилларга бадиий таржима қила оладиган таржимонлар доимо кам бўлган. Ҳозир ҳам шундай. Менинг муҳаррир сифатида кўплаб таржималарни кўриб чиқишимга тўғри келади. Менга жўнатилган асарлар баъзан муайян сабабларга кўра рад этилади. Лекин бу сабаблар орасида салмоқли ўринни таржиманинг етарлича сифатли эмаслиги эгаллайди. Таржима — миллий адабиётлар намуналарини дунё китобхонларининг эътиборига ва эътирофига сазовор этишнинг энг яхши имкоятидир. Шу боис бу иш билан юқори малакали ва билимли таржимонлар шуғулланиши лозим.

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА: — Юртимиз адабларининг ижод намуналарини хорижий нашрларга тавсия этаётганимда, биринчи навбатда, асарнинг таржимаси қай даражада сифатли чиқгани ҳақида ўйлайман. Тан олиш керак, айна пайтда чет тилларини яхши биладиганлар кўпчилик, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам таржимон бўла олмайдилар. Илло, ўзи асли ижодкор бўлган тил билимдонигина яхши таржимон бўлиши мумкин. Шу билан бирга, ўзи ўзбек тилини билмай туриб, ўзбек адабларининг асарларини тағлама таржима ёрдамида чет тилларига таржима қилувчи

“мутахассис”ларнинг ишини ҳам мақсадга мувофиқ деб бўлмайди. Тақдим этилаётган ижод намунасининг қай даражада мукаммаллигидан беҳабар хорижий нашрлар, табиийки, сифатсиз таржима қилинган асарларни рад этишади. Шу тариқа, ёмон таржимоннинг касрига яхши асар дунёга чиқиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Савол: — Агар тахририятга келган асар таржимаси сифатсиз бўлса, нима қилиш керак? **Лариса ДЕМИНСКАЯ:** — Бадиий асар сифатсиз таржима қилинган ҳолда уни ўқувчиларга тақдим этишнинг иложи қолмайди. Шу сабабли ҳам уларни қайтаришга мажбур бўламиз. Тўғри, баъзи ҳолларда муаллифларнинг розилиги билан тахририятимиз матнларни бироз тахрир қилиб бериши мумкин. Ахир, яхши асар ўқувсиз таржимоннинг касрига қолмаслиги керак-да!

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА: — Таржима қилинган асарларга ўта эътибор билан ёндошадиган нашрлар бор. Масалан, АҚШдаги International Writers’ Journal адабий журналининг асосчилари Дэвид Внак ва Мугурас Мария Внак ўзбек адабиётига жуда катта ҳурмат билан ёндошади. Журнал бош муҳаррири

Адабиёт ва китобхон бор экан “бадиий таржима” ва “маҳоратли таржимон” каби тушунчалар бош масала бўлиб тураверади. Муаллифнинг услубини сақлаган ҳолда асарни тушуниш, ичига кириш, бошқа бир муҳитда унинг қандай қабул қилинишини ўйлаш ва аниқ тасаввурга эга бўлиш таржима жараёнининг муҳим омиллари бўлиб, охир-оқибатда аслиятга мувофиқ таржима яратилишига хизмат қилади.

Давра суҳбатини Гулноз ТОЖИБОЕВА олиб борди.

«КЕЧА ЧОДИР ХАЁЛДИР...»

ЯНГИ КЎРГАЗМА

Куни кеча пойтахтимиздаги Фото-суратлар уйида Ўзбекистонда хизмат қўсатган фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори Муҳсин Қодиров таваллудининг 90 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Тадбир очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов олимнинг узоқ вақт фани ва санъати ривожига қўшган ҳиссасига тўхталиб, жумладан, шундай деди: “Биз бугунгига ўшанган тадбирларни кўпроқ ўтказиб туришимиз лозим. Чунки илм-фан чегара билмайди. Муҳсин Қодировнинг ҳаёт ва ижод йўли бевосита санъат — томоша ва кўғирчоқозлик билан боғлиқлиги бунинг ёрқин мисолидир. Бугунги тадбир санъат фидойилари ва тасвирий санъат усталарини том маънода бирлаштирди”.

“Кеча чодир хаёлдир, кундуз чодир жамолдир” деб номланган ушбу кўргазмада илк бор тадқиқотлар давомида йиғилган ҳамда архив фотолар, этнограф П.А.Комаровнинг Россия этнография музейида сақланган нобъ кўғирчоқлар коллекциясидан “Чодир жамол” ва “Чодир хаёл” театрининг энг ёрқин қаҳрамон-



иштирок этмоқда. Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбек миллий кўғирчоқ театрининг режиссёри Фатхулла Хужаев бошчилигида “Қачал полвон” томошаси

намоиш этилди. Шунингдек, тадбир доирасида Муҳсин Қодировнинг “Халқ кўғирчоқ театри” монографияси тўлдири-

либ, қайта нашр қилинган ҳолда иштирокчиларга тақдим этилди.

Гулчеҳра УМАРОВА

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади

Эълон

“Муסיқий-назарий фанлар” кафедрасига кафедра мудири (1), “Вокал” кафедрасига кафедра мудири (1), доцент (1), “Фольклор ва этнография” кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (2), ўқитувчи (1), “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедрасига доцент (1), ўқитувчи (1), “Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият” кафедрасига доцент (1), ўқитувчи (1), “Саҳна нутқи” кафедрасига профессор (1), доцент (1), “Муסיқали, драматик театр ва кино актёрлиги санъати” кафедрасига профессор (1), доцент (1), катта ўқитувчи (1), “Эстрада ва оммавий томошалар санъати” кафедрасига профессор (1), доцент (1), катта ўқитувчи (2), ўқитувчи (1), “Овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати” кафедрасига профессор (1), катта ўқитувчи (1), “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш” кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (1), “Чолғу ижрочилиги” кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (2), “Миллий қўшиқчилик” кафедрасига профессор (2), доцент (3), катта ўқитувчи (1), ўқитувчи (2), “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедрасига профессор (1), доцент (1), катта ўқитувчи (1), “Жаҳон тиллари ва адабиёти” кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (1), ўқитувчи (1), “Кино, телевидение ва радио режиссёрлиги” кафедрасига доцент (1), катта ўқитувчи (1).

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
2. Ишловчининг шахсий варақаси;
3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхаслари;
4. Паспорт нусхаси;
5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тас-

диқланган ҳолда);

6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Яланғоч даҳаси, 127

*а-уй.

Телефонлар: 71-230-28-02, 71-230-28-11

Рухий хасталиклар шифохонасидан бешта бемор — бир аёл ва тўрт эркакнинг қочиб кетганини эртаси кунигина билишди. Шифокорлар ва хизматчилар жуда ташвишланишди, чунки бешаласи ҳам бе-бош эди. Улардан бири ёнғин васвасасидан азоб чекарди.

Дарҳол ҳодиса ҳақида губернатор ва полиция бошлиғига хабар берилди. Полиция бошлиғи қочқорлар ҳақида маълумот берилишини сўради. Аммо ҳеч ким улар беш киши эканлигидан бошқа ҳеч нарса айтолмади. Шуниси маълумки, улардан учтаси йўл-йўл касалхона пажамаларини ташлаб, хизматчи ходимларнинг кийимида, биттаси пажамеда, яна биттаси эса, чамаси, яланғоч қочган. Бор гап шу, холос.

Агар радио орқали ҳодиса ҳақида ахборот берилса, шаҳарда саросима бошланади. Шунда полиция бошлиғи алоҳида белгиларини билдиришни талаб қилди.

Бош шифокор тасдиқлади:

— Ҳамма қочганлар руҳий хаста, касаллик вақти-вақти билан сезилиб туради. Шунинг учун полиция ўзини одатдагидан бошқачароқ тутган ҳар қандай одамни тутиб шифохонага келтириши мумкин. Тез орада барча полициячиларга телефон орқали қуйдаги буйруқ етказилди: "Рухий хасталиклар шифохонаси бош шифокорининг ахборотиغا мувофиқ, кеча шифохонадан бешта руҳий хаста қочган, улардан бири аёл. Учтаси хизмат кўрсатувчи ходимларнинг кийимларини кийиб олган, биттаси яланғоч, биттаси эса, йўл-йўл гулли пажамеда. Қочганлар шаҳарда тартибсизлик келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олиб, полиция уларни тутиш бўйича тезкор чора кўриши лозим.

Гумон қилинган барча шахслар руҳий хасталиклар шифохонасига йўналтирилсин. Ҳар бир тутилган жинни учун юз лира мукофот берилади!"

Зиммаларига ана шундай оғир топшириқ юкланган фидойи полициячилар шиддат билан ижрога киришдики, ҳеч бири бўлимда навбатчи бўлиб қолишни хохламади. Бутун полиция шаҳарда тартиб сақлаш учун кўчаларга ёпирилди.

Ярим соат ўтиб, энг узоқ полиция бўлимидан телефонограмма олинди: "2876 рақам белгилли полициячига учта фуқаронинг ҳаракатлари шубҳали туюлган ва уларни кузатишни бошлаган. Ўнинг фаол ҳаракатлари натижасида аниқланган шахслар ертўлага ҳайдаб киритилган, шундан кейин 1014 ва 98502 рақам белгилли полициячилар ёрдамга етиб келган. Қўлга олинганлар бошқаларга қандайдир зарар етказишининг олди олиниб, улар, яъни руҳий хасталар шифохонага кузатиб борилди ва шу ҳақда маъмур баённома тузилди. Қолган икки нафар бемор ҳақида эса, ишонч билан билдираман: полиция уларнинг изига тушган. Уларни тез орада тутиш ва руҳий хасталиклар шифохонасига йўллаш бўйича чоралар белгиланган".

Азиз НЕСИН

МУКОФОТ ИЛИНЖИДА

Бўлим комиссари маълумотни юбораркан, мукофот беришда англашилмоғичлик бўлишининг олдини олиш учун рақамини ва ўзи ҳақида барча керакли маълумотларни кўрсатди.

Гўшакни қўйгач, у қўл остидагиларга мурожаат қилди:

— Дўстлар, Аллоҳдан тилаймиз, қолган жинниларни тутиш ҳам бизга насиб қилсин. Астойдил ишланг, ўзи мададкор бўлади.

Шифохонага учта гумондор келтирилгандан кўп ўтмай полициячилар шаҳар марказида яна тўртта гумон қилинганларни ушлади. Тартиб посбонлари шунчалик астойдил эдики, тутилганлар сони қочганлар сонидан ортиб кетди.

Бош шифокордан иккинчи марта сўрашди: "Қочқорларнинг сони ҳақида яна бир бор аниқ маълумот беришингизни ўтганиб сўраймиз, чунки полициянинг фидокорона ҳаракатлари натижасида ҳозирги ҳолатда етти нафар гумон қилинган шахс ушланиб, баённомаларда қайд этилди".

Тақрорий текширув, агар ишдан бўш шифокорлар ҳисобга олинмаса, шифохонада фақат беш киши етишмаётганини, кўчадан

тутилганлар сони эса, йигирма олтитага етганини кўрсатди. Шу муносабат билан раҳбар шахсларда шубҳа туғилди: қочган ўша бештаси тутилганлар орасидамикин?

Шифохонадан келган қуйдаги ахборот бироз хотиржам қилди:

"Полициямизнинг астойдил ҳаракатлари билан шубҳали ҳаракатлари сўров баённомаларида тасдиқланган йигирма олти фуқаро тутилди. Аммо хато ва англашмовчиликларга йўл қўймаслик, ҳақиқий руҳий хасталарни аниқлаш ва даволашга қолдириш мақсадида барча тутилганлар мутахассисларнинг тиббий кўригидан ўтказилади. Аммо йўл-йўл пажамеда қочган бир нафар, кийимсиз яна биттаси, афсуски, ҳали топилмаганига эътибор қаратиш лозим".

Бу вақтда полиция бўлиmlарида юз нафардан ортиқ одам тутилганди. Бунга ўзининг тан олиши, гувоҳларнинг кўрсат-

ҲАЖВИЯ

малари, шунингдек, қариндошлар, қўшинлар ва яқинларининг шикоятлари асос бўлди.

Хотинлар эрини кўрсатган, эрлар хотини ҳақида маълумот берган ҳоллар ҳам бор.

Охири чалқашликлар ўзи ўзини жинни деб эълон қилган айрим шахсларнинг аризаларидан келиб чиқди: "Мен руҳий хасталиклар шифохонасидан қочдим. Мени қидираётганларини эшитдим. Қўлимширдан афсусдаман. Содир бўлган ишларни тан олиб ва пушаймон бўлиб, мени қайта шифохонага жойлаштиришингизни ўтганиб сўрайман".

Ишда қўтилмаган муаммо чиқди. Фуқаролар руҳий соғлом эмасликлари ҳақида ўзлари мурожаат қилганида ваъда қилинган мукофот масаласи қандай бўлади, деган савол кўндаланг бўлди. Ахир, уларни полиция томонидан тутилган, деб ҳисоблаб бўлмайди-ку?..

Полициячилар уларнинг аризаларига ишонмасликка қарор қилишди. Бундайларни полиция бўлимидан нарироққа ҳайдаб, ўша заҳоти тутиб, баённома расмийлаштириб, шифохонага жўнатишди,

албатта, бунда ўзларининг рақам белгилари ҳақида маълумот беришни унутишмади.

Шифохонадан келган ушбу ахборот ишни бутунлай чалқаштириб юборди: "Жиддий тиббий кузатувлар натижасида барча ушланган шахслар руҳий ва асабий хаста экани аниқланди ва даволаш учун шифохонада қолдирилди. Аммо шонли полициямизнинг тезкор ҳаракатлари натижасида бешта қочқоч ушланган-ушланмагани аниқлашнинг имкони бўлмади".

Шу орада шифохонадан яланғоч қочганини қўмилиш жойидан тутишди. Полициячилар қўмилиш жойидан озмунча руҳий хастани овлашмади. Уларнинг

1-апрель ~ Халқаро кулли кун



— Раҳбариятнинг кўнглини ҳе-ҳ тополмайсан, биродар... Қанча ҳаракат қилма, барибир қадригга етмайди. Масалан, бизга бешта ақлдан озганини ушлашни буюришди. Фақат бир ўзим тўққизтасини тутдим. Хўш, нима бўлди? Раҳмат айтгандир, деб ўйлайсанми? Ҳечам-да! Қўлимни бурнимга тикиб қолавердим.

— Яна, ҳар бири учун юз лирадан ваъда қилишган эди, эсингдами?

Мен ўн биттасини тутдим. Юздан бўлса, бир минг бир юз лира бўлади. Ҳеч йўғи ундан берса эди! Ижара уйдан қарзим бор.

— Мен-чи, ҳаётимни хавф остига қўйдим... Агар тўлашса, биласанми, яна нечтасини тутардим... Худо ҳаққи!

Озодликда битта ҳам одам қолдирмасдим...

— Мен қайнонамни олиб келардим...

Хотин қарши эмас... Кампир жиннихонада ҳам яшайверарди, биз бироз эркин нафас олармидик. Аммо пул бермаётганини кўрганимдан кейин кампирни безовта қилмасликка қарор қилдим. Қайнона — қайнона-да, нега энди соғ одамни жиннихонага тикаман? Ахир, гуноҳ!

— Эҳ, агар тўлашганидами!

— Ҳа, илгари мукофот беришарди. Ҳозир эсололмайман, қаердадир ёнғин бўлди. Ўт қўйганини тутиб келганга икки ойлик маош берилади, дейишди. Мен нақд тўрттасини тутиб келдим. Фақат биттаси учун тўлашди, қолганини ҳисобга олишмиди.

— Тўрт йил илгари мен қотилни тутганман. Суратига қараб... У суратдагига сира ўхшамайди дейишди. Ҳа, ғалати-да... Аломатларига қараб чизилган, ахир.

— Биз ҳамма учун ишлаймиз, биз учун эса ҳеч ким ҳаракат қилгиси келмайди. Энди ақлдан озганларни овлайманми, бўлмағур иш!

Рус тилидан Ҳабиб СИДДИҚ таржимаси.

АФИША

Ўзбекистон давлат Консерваторияси профессор-ўқитувчилари амалий ижрочилик соҳасини тадқиқ этиш, унинг назарий томонларини ишлаб чиқиш борасида илмий ишлар олиб бориш билан бирга, концерт ижрочилик йўналишида ҳам фаол иштирок этиб келадилар. Мусиқа фаолияти асосан уч босқичда амалга оширилади: ижод, ижро ва тинглаш (ўқув). Бунда саҳнада ижро этилаётган асар

бадий ижро ва талқиннинг ўзига хос услубини қўллашга эришганлар.

"Регистон" гуруҳи АҚШ, Япония, Бельгия, Голландия, Австрия, Латвия, Литва, Эстония, Миср Араб Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қозоғистон каби жаҳоннинг кўплаб давлатларида мусиқангир, жумладан, ўзбек мусиқасининг ўзига хос хусусиятлари, ижрочилик санъатининг ранг-баранглиги, бадиҳавий ижро йўналишини миллий чолғуларнинг шинавандаларига етказишга муваффақ бўлмоқда. Пан-

САҲНАДА — «РЕГИСТОН»



мазмуни, созанданинг ижро маҳорати тингловчиларга ижобий таъсир этиши муҳим ҳисобланади. Консерваторияда созандалардан тузилган жамоалар қатори "Регистон" гуруҳи ҳам айнан шу йўналишда изланиш олиб бормоқда.

2005 йили моҳир созандалардан ташкил этилган ушбу гуруҳнинг ташкилотчиси ва бадий раҳбари, консерватория доценти, республика танловлари лауреати, дутор бас, уд чолғулари ижрочиси Зулхорбек Туроповдир. Гуруҳ таркибиде Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, республика танловлари ғолиби Комилжон Шерматов (чанг, қонун), Мақом ижрочилари республика танловлари Гран-при соҳиби Ўткир Қодиров (ғижжак, сато), республика танловлари ғолиблари Назира Турсунова (прима рубоби), Ўхтиёр Пулатов (доира, урма зарбли чолғулар), Ботиржон Йўлдошев (синтезатор) биланги истеъдодли созандалар фаолият олиб бормоқдалар.

Ўзбек халқ мусиқаси, бастакорлар ижоди ва жаҳон халқлари мусиқасини ижро этиш жараёнида гуруҳ созандалари асарларнинг миллий жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари, чолғулар имкониятларини намоён қилишга,

демия сабабли концертлар маълум муддат тўхтаб қолганди. "Регистон" гуруҳининг шу йил 24 февралда Ўзбекистон давлат консерваторияси катта залидаги концерти ихлосмандларни мафтун этди. Ушбу концерт замонавий техник воситалар ёрдамида чет эл тингловчиларига ҳам намойиш этилди. И.Пулатов, Б.Шавкатов, З.Абдураимов, Д.Йўлдошев, М.Отақўзиев, Ш.Юсуфбеков

ижросидаги "Доира садолари" асари тингловчилар кайфиятини кўтарди. Шунингдек, (якканавоз П.Ламанг (Непал) "Ракс" асари, Эрон халқ куйи (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист К.Шерматов), Ю.Ибрагимова ижросида "Этно жаз" замонавий асари, "Мирзадавалат" ўзбек мумтоз мусиқаси, концерт якунида ижро этилган "Шажан" асари мухлисларда катта таассурот қолдирди. Бундай тадбирлар омmani халқ чолғулари билан таништириш, асарлар тарғиботида хисса қўиши билан бирга чет эллик шинавандаларни мамлакатимиз мусиқа санъати, чолғулари, созандалари билан таништиришга хизмат қилади. Бу каби концертлар ёшларда миллий мусиқий меросимизга қизиқиш ва меҳр-муҳаббатни ошириш, мусиқа амалиёти учун пойдевор яратишга хизмат қилади. Зеро, мусиқа тинглаш бафакат мусиқий саводхонликини аниқлашда, нафка кишининг умумий дунёқараши, ички дунёси, маънавияти, тарбиясида муҳим омил ҳисобланади.

Бахтиёр АЗИМОВ,
Ўзбекистон давлат
консерваторияси доценти

ЁДНОМА

"Тошкент ҳақиқати" газетасига ишга келган пайтими Шавкат ака билан танишгандим. Жамоада тажрибали журналистлар, ижодкорлар талайгина эди. Шавкат Туроб шундай ижодкорлар сирасига кирарди. Газета кўплаб соҳаларни, жумладан, шеърят, адабиёт, санъатни қамраб олганди.

Шавкат ака масъулиятли бўлимини бошқарар, доим мактублар ичига фарқ бўлиб, энг яхшиларини газета саҳифасига олиб чиқар ва бундан ўзи ҳам хузурланарди. Газета ишидан ортиб ўз ижоди билан шуғулланишга ҳам вақт топарди. Шавкат Туробнинг "Оқ тулпор" (Тошкент, "Адабиёт" нашриёти — 2021) номли китобида жамланган асарларини ёқиб, бу ижодкорни қайта кашф этдим. Саккиз бўлимдан иборат ушбу китобга унинг шеър, ҳикоя ва хотиралари кўз-мунчоқдек терилган. Ватан, муштираб она, севги ва муҳаббат, ёрга садоқат мавзудари жўшқин мисраларда жозибали ифодасини топган. "Тонг қўшиғи" шеърдан олинган ушбу парча фикримизга далил бўла олади:

Тонг отмоқда,
Уйғонган дунё.
Бошлар ажиб тонг ҳикоясин,
Ўзлигини унутиб гўё.
Йўға бошлар тун ҳам соясин,
Бир дақиқа мудраб олгудек.
Соқинлиқнинг сўнгги палласи,
Инжиқларан қайси бир гўдак...
Янграб кетар она алласи.



Шоир шеърларининг ҳар бир сатрини ўз ички кечинмалари билан бойитида. Улардаги туйғу, ҳис-ҳаяжон мисраларга жўшқинлик бағишлаб туради. Шеърятнинг нозик жиҳатларини чуқур ҳис этган шоир сўзининг қудратини намоён этади. Жумладан "Дуо қилинг" шеърини ўқиймиз:

Юрагимни очмоқлик учун,
Сендан ўзга кимим бор яна?
Ёмонларга етмаса кучим —
Дўстларим ҳам ёғдирар таъна.
Сендан ўзга кимим бор, она!

Бу каби мисолларни "Оқ тулпор" тўпламидан кўплаб келтириш мумкин. Аиникса, суюқли ёр, гўзал табиат, инсонларнинг бир-бирига бўлган муҳаббати, дўстлик ҳақидаги шеърлар ўқувчини мушоҳадага ундайди.

«ОҚ ТУЛПОР» ҚАНОТИДА

Китобдаги "Жийда гули", "Омонмисиз, жон қушлар", "Ёдномалар" деб номланган бўлимлардан жой олган хотиралар китобхонга ўзгача руҳий кайфият бахш этади. Шоир кўплаб ижодкорлар билан суҳбатларини, улар билан бирга ишлаган пайтларини ҳаяжон билан тилга олади. Хайриддин Салох, Юсуф Шомансур, Омон Мухтор, Мирзакарим Пирматов, Анвар Эшонов, Музаффар Туроб каби таниқли ижодкорлар ҳақидаги хотиралари уларнинг шахси, инсоний фазилатларидан ҳикоя қилади.

Шавкат ака табиатан хушчақчақ, самимий ва беғубор инсон эди. Бирга ишлаган кезларда, "Тошкент ҳақиқати" газетасининг ҳар бир сони чиққач, албатта, ушбу соннинг ютуқ ва камчиликлари жамоа ўртасида муҳокама қилинарди. Бир кун Шавкат ака газетани шарҳлаш жараёнида мақола, хабар, суҳбат, ҳатто суратларга ҳам алоҳида тўхталиб, фақат ижобий баҳо берди. Шунда муҳаррир: "Тўхтанг, Шавкат ака, — деб у кишининг гапни бўлди. — Сизга ҳайрон қоламан, фақат мактайсиз. Демак, сизнингча, газетада камчилик йўқ, ҳаммаси яхши. Мисол учун ўзингизни мақолангизни олайлик. Ундаги айрим жумлаларни бошқа жойда ўқигандайман. Мисоллар бир-бирига ўхшашдек туюлади. Нимага шунақа, билмайсизми?", деди. Шунда Шавкат ака: "Ўртоқ бошлик, биласиз, меннинг бўлишим адабиёт, санъат бўлими бўлганлиги сабабли ҳар бир жумлага, мисолларга ижодкор назари билан ёндашаман. Жумлалар, мисоллар бир-бирига яқин келиши табиий ҳол. Чунки газетадан газета яралади-да", деб жавоб берди.

Шавкат ака ҳеч кимнинг дилини оғиритадиган гап айтишга уринмасди. Қисқа вақт бир жамоада ишлаган бўлсам, у кишини самимийлик, дўста садоқат, тўғрисиўзлик каби фазилатларни кадрлашни ўргандим. "Оқ тулпор" номли китоби Шавкат Туроб таваллудининг етмиш беш йиллиги муносабати билан нашр этилган. Ки-тоб Тошқент Убайдулло томонидан нашрга тайёрланган.

Вақт, умр тизгини Яратгanning измида. Шавкат ака аини ижод қиладиган паллада эди. Аммо "Оқ тулпор" қанотида боқий дунё сари елдек учиб кетди. Охирати обод бўлсин!

Асрор СУЛАЙМОНОВ

СОЗЛАР СЎЗЛАГАНДА...

ДОИРА

Мен — чилдирма, сөз боши,
Даврада бонг ураман.
Юрагингга ўт ташлаб,
Дук-дук уриб тураман.

РУБОБ

Майин куйлар сеҳрини
Тараттайман, элбопман,
Мирзаевлар қўлида
Сайқал топган рубобман.



ҒИЖЖАК

Хуб зшилиб куйлайман,
Мендек соз йўқ оламда.
Кўнглининг бор дардини
Тараттайман ноламда.

КАРНАЙ

"Пуф" деса бас, чалғучи,
Ғат-ғат қилиш ҳеч чўтмас.
Аммо билинг, оғайни,
Менсиз тўйингиз ўтмас.

СУРНАЙ

Туй бўлса бас, бир зумга
Мен суқилиб киргайман.
Дийдам қотиб қолгандир,
Шунинг учун сур-най-ман.

НАЙ

Қамишзордан узволиб,
Қарқаб кетди кўзингиз,
Бор танамни уйволиб,
Пуфлаган ҳам ўзингиз.

ДУТОР

Мени чалиб ўлтиринг,
Бирпас ором олгани.
Матмусалар қўлида
Хор бўлмасам бўлгани.

НОҒОРА

Бака-бака, дум, так-так,
Зарбимиз катта-катта.
Ноғорамга сизларни
Ҳайнатаман албатта.

ТАНБҮР

Созларнинг энг кўҳнаси,
Чўғи учмас тандирман.
Мунгли оҳанг таратиб,
Ёши ўтган танбурман.



ЧАНГ

Икки қўллаб ҳар ёнга
Таратишди донғимни.
Симларимни дўппослаб,
Чиқаришди чангимни.

Ашурали БОЙМУРОД

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
поликлиникаси даволаш ишлари бўй-
ича бош шифокор уринбосари Ҳамид
Боймуродовга онаси
Ойша БОЙМУРОДОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳам-
дардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
жамоаси уюшма аъзоси Абдуғаффор
Шодмонқуловга ўғли
ШУКУРУЛЛОнинг
вафоти муносабати билан чуқур
ҳамдардлик билдиради.



Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

O'zbekiston
adabiyoti va san'ati



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:

akfa

Бош
муҳаррир

Салим
АШУР

Тахририятга келган қўлхатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Шухрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адали - 1106. Буюртма Г - 444.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ»
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.
Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.



ISSN 2311-634X
4772381634000